

“Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимлари томонидан малака тоифаси олиш учун ихтисослаштирилган аттестация комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 11 май 11-сонли врачлар ва фармацевтларни аттестациялаш Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи (ЎзР Адлия вазирлигида рўйхат рақами 2649-7, 2022 йил 18 май)

1. Аризада талабгорнинг биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси маълумотлари (серияси, рақами, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда туғилган йили) кўрсатилади, шунингдек аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
 2. Олий ёки ўрта маълумоти ҳақидаги дипломнинг нусхаси;
 3. Меҳнат дафтарчасининг даволаш профилактика муассасаси кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхаси;
 4. Малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар тоифаси бўлса);
 5. Охирги беш йил ичида малака ошириш ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси;
 6. Муддатидан олдин навбатдаги малака тоифасини олувчилар учун соғлиқни сақлаш вазири ёки муассаса раҳбарияти томонидан берилган тақдимнома (ходатайство);
 7. Тўлдирилган аттестация варақаси;
 8. Тўлдирилган Реестр бланкаси;
 9. Малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификат учун тўланган маблағни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

ТЎЛОВ (аттестациядан олдин тўланади):

Тўловни олувчи муассасанинг номи – *Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси. Тошкент шаҳри, 100007, Яшнобод тумани, С.Маишадий кўчаси, 197.*

ИНН 305 866 588.

Банк муассасаси – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Ҳисоб рақами – **23402000300100001010** ш/ҳ – **401410860262907076909283001**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ
БММ РАҚАМИ (КОД) – 00014 **ИНН - 201 122 919**

Тўлов тури:

Сертификат учун тўлов ҳажми – **60.000 сўм** (**“Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимлари учун**)

Тўловчининг – *Фамилияси, исми, отасининг исми.*

Яшаш манзили _____

Тўловчининг имзоси _____

Изоҳ: Ҳужжатлар талабгорнинг ҳоҳишига кўра қоғоз шаклида оддий скоросшивателга тикилган ҳолда ёки электрон шаклда масофадан туриб PDF кўринишда тақдим этилиши мумкин (бунда ҳужжатларнинг қоғоз шакли талаб қилинмайди).

Ҳужжатларни скоросшивателга тикиш кетма-кетлиги:

1. Малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги сертификат учун амалга оширилган тўлов ҳужжатининг нусхаси (**тўлов тақдим этилган ҳужжат техник экспертизадан ўтгандан сўнг бажарилади**);
2. Аттестация варақаси;
3. Аризада талабгорнинг биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси маълумотлари (серияси, рақами, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда туғилган йили) кўрсатилади, шунингдек аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
4. Реестр бланкаси;
5. Олий ёки ўрта маълумоти ҳақидаги дипломнинг нусхаси;
6. Меҳнат дафтарчасининг кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган нусхаси;
7. Кейинги беш йил ичида мутахассислиги бўйича малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нусхаси (144 соат);
8. Малака тоифаси берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси (агар тоифаси бўлса);
9. Тегишли малака тоифасини олиш учун етарлича иш стажига эга бўлган ва муддатидан олдин навбатдаги малака тоифасини олувчилар учун соғлиқни сақлаш вазири ёки муассаса раҳбарияти томонидан берилган тақдимнома (ходатайство).

*** “Олий ҳамширалик иши” мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимлари учун**